

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Демократик
ислохотлар
йўли — биз
учун яккаю
ягона ва энг
тўғри йўлдир.
Ш.МИРЗИЁЕВ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 25-yanvar, shanba, 10-11 (23.290-23.291)-son

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Хурматли депутатлар ва сенаторлар!
Азиз юрдошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка
қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз
тарихга айланиб, олдимизда янги-янги
ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан
вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда.
Шу боис, бугун Сизлар билан биргаликда
мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда
ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ва
вазифаларни белгиллаб олишимиз лозим.
Яқинда "Янги Ўзбекистон — янги сай-
ловлар" шиори остида бўлиб ўтган сайловлар
натижасида республикамизда демократик
ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш
учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга
келди.

Сайловлар очик-ойдин, халқаро стандартлар
асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га
яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан
825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи
мартта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик
ташкilotининг Демократик институтлар ва инсон
ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик
тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик
қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин
рақобат муҳитида, сиёсий партиялар
ўртасидаги қизгин тортишув ва баҳс-
мунозаралар шароитида ўтганини, бу
жараёнда оммавий ахборот воситаларининг
роли сезиларли даражада ошганини
алоҳида эътироф этдилар.

Барча халқаро кузатувчиларга сайлов
жараёнида ҳақиқатга ҳолис фикрлари ва
тавсиялари учун бутун халқимиз номидан
самимий миннатдорчилик билдириман.

Биз албатта ушбу тавсияларнинг ҳар бирини
чүқур ўрганиб, тегишли дастур қабул қилиб,
амалиётга кенг жорий этамиз. Бу борада
сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов
маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг
ўз электорати билан ишлаш тизимини янада
такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий
фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим
масалалардан биридир.

Шу билан бир қаторда, маҳаллий кенгашларга
сайлов ўтказишининг уч погонали тизимини
оптималлаштириш, бунда туман ва шаҳар сайлов
комиссиясининг ролини оширишга алоҳида
эътибор қаратиш лозим.

Парламент ва Марказий сайлов комиссияси
сайлов якунлари бўйича режалаштирилган
вазифаларни амалга ошириш учун яқин
ҳамкорликда олиб бориши зарур бўлади.

Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг
тимсолида бутун Ўзбекистон халқига
муружаат қилиб айтмоқчиман: демократик
ислохотлар йўли — биз учун яккаю ягона
ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар
қуни изланишдамиз, хориждаги илгор
тажрибаларни чүқур ўрганиб, ҳаётимизни,
иш услубимизни янгилашга ҳаракат
қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан
биргаликда барпо этамиз, деган улғувор
мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада
"Жамият — ислохотлар ташаббускори" деган
янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чүқур
кириб бормоқда.

Ислохотларнинг амалий натижадорлигини
оширишда, жойларда янги ташаббусларни
илгари суришда аҳолиимизнинг янада фаолроқ,
янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз
лозим.

Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида
халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш
шароитини яратиб беришимиз керак.
Одамларимиз етарли даромад топиши учун
энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини
шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш
жойларини қўлайтиришимиз зарур. Бу ўғай
долзарб ишларни ўзиниз қилмасак, ҳеч ким
бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Халқимиз шунинг яхши билиши керак:
олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди.
Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-
ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли
бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб,
ўзимизни аямасдан олдинга интилсак,
албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Мен бунга қатъий ишонаман ва бу фикрни
сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб
ўйлайман.

Хурматли қўшма мажлис иштирокчилари!
Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан
2019 йил — "Фол инвестициялар ва ижтимоий
ривожланиш йили"да салмоқли натижаларга
эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар
қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли
даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвес-
тициялар 4,2 миллиард долларни ташкил
этиб, 2018 йилга нисбатан — мана шу ра-
қамга эътиборингизни қаратмоқчиман — 3,1
миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди.
Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги
улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит
рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида
1 миллиард долларлик облигацияларини
муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий
ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан
Ўзбекистоннинг кредитга доир тавakkалчилик
рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта
яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт,
йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик
суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа
қатор тармоқларда чүқур таркибий ислохотлар
бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида
модернизациялаш ва рақобатдошликни
кучайтириш дастурлари жадал амалга
оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий
ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти
ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт — 28
фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз
2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга
ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг
манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш
ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага
илгор технологиялар ва кластер тизими жорий
этилмоқда.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва
бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча
имкониятларимизни сафарбар этамиз. "Ҳар
бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ўз
бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион
сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига
солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада

расмий секторда ишлаётганлар сони йил
давомида 500 мингга кўпайди.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан
15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган
йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион
сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион
сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда
тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши,
албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш
учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратди.

Ислохотларимиз натижасида ўтган йили
93 мингга ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2
баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари
ташкил этилди.

Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш"
рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни
рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190
та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг
яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик.

Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига
визасиз ва 57 та давлат фуқароларига
соддалаштирилган виза режими жорий этилиши
натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион
нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016
йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3
баробар кўп демекдир.

Мақтабгача таълимни ривожлантириш
борасида бошлаган ислохотларимиз натижасида
ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий
болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг
ҳисобидан фарзандларимизни мақтабгача
таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил
давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

2019 йилда мутлақо янги мазмун ва
шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та
Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни
ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий
ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий
университетнинг филиали очилди. Етакчи
хорижий университетлар билан ҳамкорликда
141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар
тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим
муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки
2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба
ўқишга қабул қилинди.

Ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ
тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга
муҳтож ва эҳтиёжман аҳоли учун нафақа

миқдори 2 баробар кўпайтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат
муассасалари билан бир қаторда хусусий
тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда.
Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага
кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани
туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт
муассасаси ташкил этилди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастур-
лари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда,
шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг
қўлмалли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари
бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018
йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ
сарфланди.

Қишлоқ жойларда — 17 минг 100 та,
шаҳарларда — 17 минг 600 та, жами 34 минг 700
та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар
кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини
яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан,
ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити
асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116
миллиард сўмдан зиёд бошлангич бадал тўлаб
берилди.

Амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон
ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.
Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири —
"Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда
ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат —
"Йил мамлакатини" деб эътироф этди. Бундай
баҳо барчамизга чексиз гурур, ифтихор ва куч
бағишлайди, янги марраларга руҳлантиради,
десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни
қўллаб-қувватлайсизлар.

Азиз ватандошлар!
Ўтган йили амалга оширган ишларимизни
танқидий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни
алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барча даражадаги раҳбарлар,
эришилган дастлабки ижобий кўрсаткичларга
маҳлиё бўлиб, хотиржамликка асло берилмаслиги
керак.

Янги Парламент ва ҳукуматнинг келгуси
5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади —
Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз
ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.
(Давоми 2-сҳифада).

26 январь - Давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини

Божхона тизими ўзбек давлатчилигида
узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугун тизимда
азалий анъана ва замонавий тажриба асо-
сида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчи-
ларига кенг имконият ва катта қўлайликлар
яратилмоқда.

Хусусан, божхона ҳужжатлари расмий-
лаштируви жараёнининг такомиллаштири-
лиши, соҳада замонавий ахборот техноло-
гияларидан кенг фойдаланилиши туфайли
илгари бир неча кун давом этадиган ҳуж-
жат расмийлаштириш ишлари айна пайт-
да бир неча соат ва санокли дақиқаларда
амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2018



Йил 1 июлдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият
иштирокчилари божхона брокерларига муружа-
ат қилмасдан, божхона юк декларацияларини
интернет тармоғи орқали реал вақт режимида
тўлдириниш ва божхона органларига тақдим этиш
имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, вилоятимиздаги "Жартепа" чегара
ҳамда "Самарқанд аэропорти" божхона постлари
орқали ҳаракатланаётган фуқаролар ўртасида "Кор-
рупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг
30-моддасига асосан ижтимоий сўровномалар ўт-
казилмоқда.

Ғ.САТТОРОВ олган суратлар.

Одам савдосига қарши курашиш

янгича услубда ташкил этилади

Вилоят ҳокимлигида Одам савдосига ва
мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий
комиссияси томонидан ўқув-семинар ташкил
қилинди.

Унда миллий комиссия вакилла-
ри, вилоят, туман ва шаҳар ҳудудий
комиссиялари аъзолари ҳамда соҳа-
га алоқадор корхона ва ташкилотлар
раҳбарлари иштирок этди.

Қайд этилганидек, Президентимиз-
нинг 2019 йил 30 июлдаги «Одам сав-
досига ва мажбурий меҳнатга қарши
курашиш тизимини янада такомил-
лаштиришга оид қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида»ги фармони билан
Одам савдосига қарши курашиш бўй-
ича республика идоралараро комис-
сияси Одам савдосига ва мажбурий
меҳнатга қарши курашиш миллий ком-
иссияси этиб қайта ташкил қилинди
ва унинг таркиби тасдиқланди.

Миллий комиссия Одам савдосига
қарши курашиш масалалари бўйи-
ча ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши
курашиш масалалари бўйича кичик

комиссиялардан иборат.

Кичик комиссияларга тегишлилиги
бўйича Миллий комиссия раиси ўрин-
босарлари ҳисобланган Ички ишлар
вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат му-
носабатлари вазири раҳбарлик қилади.

Давлат органлари ва ҳудудий ор-
ганларнинг, фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари ҳамда ННТ-
ларнинг одам савдоси ва мажбурий
меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги
фаолиятини мувофиқлаштириш Мил-
лий комиссиянинг асосий вазифала-
ридан этиб белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорки Кенгеси раиси, вилоятлар,
Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар)
ҳокимлари одам савдосига ва мажбу-
рий меҳнатга қарши курашиш бўйича
ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қи-
лади, - дейди Ички ишлар вазири

вакили Улуғбек Эрнараров. - Комис-
сия ўринбосари ва котиби эса ички
ишлар бошқармасида фаолият олиб
боради. Жойлардаги комиссиялар
фаолиятини ўрганишимизда бу икки
идорани боғлаб туриш, улар ўртаси-
да самарали мулоқотни йўлга қўйиш
тизими яратилмаганлиги кузатилди.

Йиғилиш давомида жойлардаги ҳудудий
комиссиялар фаолиятини тўлақонли
йўлга қўйиш бўйича зарур тавсиялар бе-
рилди. Шунингдек, мавжуд ҳолат таҳлил
этилиб, йўл қўйлаётган камчиликларга
алоҳида эътибор қаратилди.

Одам савдосидан жабрланганларнинг
кейинги тақдирига бефарқ бўл-
маслик юзасидан фикрлар билдирилди.
Уларни келгусида муқим иш билан
таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини
йўлга қўйиш учун давлат дастурлари
асосида молиявий ёрдам бериш зару-
рлиги қайд этилди.

Йиғилишда ҳудудий комиссия-
лар фаолиятида учраётган муаммо-
ли масалалар ўрганилиб, уларнинг
таклифлари умумлаштирилди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА М У Р О Ж А А Т Н О М А С И

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Ақс ҳолда, сизларга ишонч билдирган сайловчилар олдида депутатнинг обрўси бўлмади, партиянинг мавқеи тушиб кетди. Чунки бугун халқимизнинг тафаккури ҳама, дунёқарши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улғурдир.

Иккинчидан, бошқарув тизими сифатини оширишда **"Халқ давлат органлариغا эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак"** деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Виртуал ва Халқ қабулхоналариغا йилга 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқини талаб этади.

Энди давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилди.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналариغا келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдаларни устидан чиқари, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади. Шунда мен ҳам нафақат Президент, балки оддий сайловчи сифатида сизлардан жуда миннатдор бўлар эдим.

Учинчидан, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юртадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам бугундан бошлаб олий ўқув юртига – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, **"Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"**

Шу сабабли ҳаммаиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш улғусиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишимиз энг қисқа йўлдан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирилик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли индустриаллаш, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон қилишамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Давлат ва жамият бошқаруви, иجتимой соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Қадрли юртодошлар! Ҳурматли халқ ноиблари! Мамлакатимизда илм-фанни янада раванк топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"**, деб ном беришни тақдир этман.

Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга

оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.

2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этиамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгилаб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламани, ўз устимда ишлаб, илми бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз.

Бу борада шуни унутмаслик керакики, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактга боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртиларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?

Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар кўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптимallasштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртиларига чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга қираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналишини бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамиз.

Олий ўқув юртиларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.

Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бири-бирига тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Илм-фан уюқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Жорий йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.

Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари қўламини кенгайтириш лозим. Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак.

Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. Шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиш, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган "IT-парк" барпо этилмоқда. У ҳозирданқ ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай "IT-парк"лар Нукус, Бўхоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда "1 миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт.

Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак.

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингга муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **"Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини** ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.

Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозим.

Ҳурматли парламент аъзолари! Энди 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, 2020 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир.

Биз шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаш, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур.

Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиб ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари еттиштириш ҳажминини кўпайтириш ҳамда "даладан дўконгача" бўлган узлуksиз занжирини яраттириш. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланishi устидан назоратни янада кучайтириш зарур.

Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгилади. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтартиш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, "Давлат молиявий назорати тўғрисида" ва "Давлат қарзи тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган "яширин иқтисодиёт"га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, "яширин иқтисодиёт"нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин.

Шунингдек, "яширин иқтисодиёт" улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу "рақамли маркировка ва онлайн касса" лойиҳасини алоҳида назоратга олсин.

Иккинчидан, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сибатини изчил давом эттириш зарур.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, "Навойазот" акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқини ишга туширилади.

2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этимоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда.

Шунингдек, фойда солигини ҳисоблашда янги технология усуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

Мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказиб, хусусий сектор ва рақобат ривожланган йўналишлардаги корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларини кўриш керак.

Навоий ва Олмалик тўқ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошқоралиқни татбиқ этиш каби ишларни якунлаш зарур.

Нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптимallasштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозим. Вазирлар Маҳкамаси ана шу вазифаларни тўлиқ ҳисобга олиб, икки ой муддатда Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш зарур.

Инвестиция жалб этишининг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак.

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ларидан бирига айланади. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларни татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур.

Шунингдек, тендерлар ўтказишининг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Учинчидан, банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим. Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборнинг марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган "лойиҳалар фабрикаси" фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз еврообонларини чиқариши мақсада мувофиқдир.

Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади. Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини миқдор учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар "кредит тарихи" ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур.

Аҳолида банк тизимига нисбатан ишонччи шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашшга чек қўйиш керак.

Тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсишининг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш

ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

Бу йил экспортёрларга кафилилик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий сўғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорт харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилmani яхшилаш зарур. Жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозим. 2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингга ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркор. Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш зарур.

Хариддорик маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга солидиган қонун лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш лозим. Бу ташқи савдо билан бир қаторда, ички бозорга ҳам тегишли.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда ана шу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли қарорларни тайёрласин.

Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур.

Темир йўл соҳасида йўловчи ва юк ташвиш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-бирдан ажратиш, яъни, табиий монополия қисмини алоҳида, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш лозим.

Халқаро экспертларнинг хулосасига қўра, инфратузилmani яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит-салоҳиятининг ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-2 саҳифаларда).

Давлат геология қўмитаси олдига ушбу маблағларни самарали ишлатиш орқали шу йилда янги истиқболли майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилади.

Давлат геология қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга қандайдир 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпланини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этиши лозим. Шунингдек, Қўмита углеводородлар ва уларнинг захираларини бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга жорий этиши керак.

Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфрамулкни барпо этиш ниҳоятда зарур.

Биз кейинги 3 йилда йўл қурилишига – 9,8 триллион сўм, сув тармоқларига – 4,6 триллион сўм, электр тармоқларига – 18,2 триллион сўм, табиий газ таъминотига – 1,2 триллион сўм маблағ ажратдик. Бу рақамлар ушбу тармоқлар учун сўнгги 10 йилда сарфланган маблағлардан бир неча баробар кўпдир. Лекин, шунга қарамастан, замонавий инфрамулкни яратиш, мавжуд тизимни модернизация қилиш учун бундан бир неча ўн баробар кўп маблағ талаб этилади.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ҳар йили Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратиб, бу йўналишдаги ишларни албатта жадал давом эттирамиз. Бунга қўшимча равишда республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларини ярмини инфрамулк объектларини ривожлантиришга йўналтириш – Молия вазирлиги ва ҳокимлар учун жорий йилдаги асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Қонунчилик палатаси Ҳисоб палатасини жалб этган ҳолда, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини жойларга чиқиб, мунтазам равишда ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

Жаҳон банкнинг “Бизнес юритиш” рейтингига энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қабул қилдик. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши зарур.

Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб қўлаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича энгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солигининг бир қисmini қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозирча бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланилади. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади.

Энди тадбиркор томонидан тўланган ортқича солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади. Бунинг аҳамиятини мана шу залда ўтирган ва “ойнаи жаҳон” орқали менинг ўзларимни эшитатган тадбиркорлар, ўйлайманки, ҳаммадан кўра яхши тушунад.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қониди Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур.

Шу билан бирга, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа – лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларини жиддий ўзгартирамиз. Очиқ айтиш керак, мавжуд 280 га яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ қилиниш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бу эса тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман 2020 йил 1 мартга қадар лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камида 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ таклиф киритсин. Шунингдек, “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилсин керак.

Бу йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этишимиз. Унга кўра, тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ хабарни истаганда вақт ва ҳудудда онлайн тартибда олиш имконияти яратилади.

Хабарингиз бор, бундан 2 йил олдин корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга нисбатан эълон қилинган

мораторийнинг муддати тугади. Лекин, бу яна эски усулда ёлпасига текшир-текширларни бошлаб бориш мумкин, дегани эмас.

Бу кимгадир ёқадими-йўқми, биз бунга йўл қўймаймиз. Барча назорат идоралари раҳбарлари шуни қулгоғига яхшилаб қўйиб олсин.

2020 йилнинг биринчи чорағида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шарт. Ана шу тизим орқали ҳар бир корхона ва тадбиркор бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, уларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, текширишни эса энг сўнгги факультетда чора сифатида адолатли ўтказиш лозим. Мазкур масала юзасидан, назорат идораларининг раҳбарлари парламент олдида ҳар чорақда шахсан ҳисобот бериб боради.

Банкротлик борасидаги ҳозирги тартиб-тамоийлар корхоналарни тугатиш ва мол-мулкдан тушган маблағлар ҳисобидан қарзларни қоплашни назарда тутаяди. Шунинг учун сўнгги 3 йилда атиги 3 та корхонада санация қўлланган, холос. Энди бундай қонидан бутунлай воз кечиб, тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этишимиз.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши зарур.

Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим. Жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш керак.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти аъзоларига “жиноий уюшма” деган айблов қўйиб, уларга оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етди. Бунинг оқибатида юзлаб тадбиркорлар қанчадан-қанча азият чекиб, моддий зарар кўраётганларини инобатга олак, бу ўзгаришларнинг қандай катта аҳамиятга эга экани аққол аён бўлади.

Олий суд, Бош прокуратура, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги 2020 йил 1 апрелгача ана шу масалалар бўйича тегишли қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиши лозим.

Еттинчидан, иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширамиз эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис, **пахта ва галла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтказиш. Агар бу йўлдан босқичма-босқич фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.**

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади.

Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўлаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва галла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз.

Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу йил 2 триллион долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Парламентимиз ушбу ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мого иш бўлур эди.

Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда насличиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўлаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.

2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган

йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишимиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур.

Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак. Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 апрелга қадар ана шу концепция лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

Саккинчидан, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат.

Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёхатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур.

Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.

Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва аънавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин. Яна бир вазифа – ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Немоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим.

Жорий йилда янги замонавий меҳмон-хоналарни қуришга давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ажратиб, туризм инфрамулкларини жадал ривожлантириш зарур.

Тўққинчидан, урбанизация жараёнларини жадаллаштириш ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шaroитини яратиш керак.

Ана шу ишлар доирасида 7 та йирик шаҳар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат.

Шу боис, парламент ва ҳукумат 2020 йил 1 апрелга қадар пропосса тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилмоқда.

Бу борада вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингга уй-жой хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат, банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағларни аукционлар орқали ажратаяди.

Кам таъминланган аҳолини қўлаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилади.

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Охириги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун **биринчи навбатда** аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.

Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлган каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар таъминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолиимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини ўйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўйбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаяман. Бу борада халқаро

меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.

Шунингдек, Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этишимиз керак.

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўлаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микроомия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиغان бўлади.

Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайд. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади.

Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилади. Шунингдек, ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорлигини ривожлантириш орқали 500 мингга янги иш ўрни яратишни таъминлаш зарур.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, ҳар бир тармоқ, соҳа, вилоят ва туманда яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари, ана шу тизимларга раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади.

Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади.

Ижтимоий нафақа тўлашининг мукамал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш қарорини кенгайтириш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур. Шунингдек, нафақа тайинлашда мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очиқ ва адолатли тизим яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокчини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим.

Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага мурожаат қилганидан кейин ўша идоранинг ўзи бир қанда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак.

Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорт билан бориб, мурожаат қилиши кифая бўладиган тизим яратилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқиши керак.

“Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, ёшлари иш билан, келажақда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Чунки бундай фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортадаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт.

Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун тоvon пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, “Ижтимоий сўғурта тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиши, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича устувор вазифаларни белгиласин лозим.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шaroити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз даркор.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади. Шунингдек, 17 та иختисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этиш зарур.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, иختисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор.

Гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини

ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ этишнинг вақти келди.

Қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтиришимиз керак.

Ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш даркор.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий сўғуртага оид қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш бошланади. Қулатиб ўтган бюджет ҳисобидан бошланғич контрафакт маҳсулотлар айланishiга чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибда кузатиб бориш тизимини яратиш ҳам долзарб вазифадир.

Учинчидан, биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўлаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз.

2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратамиз. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингил-ларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббу доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-2-3 саҳифаларда).

Олинчидан, маданият ва санъат муассасаларида алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур.

Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш лозим. Жорий йилда давлат бюртмиси асосида кино махсуслотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш тақомиллаштирилади. Шу боис, Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳамда “Кинематография тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – Шахрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро маком фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб давларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуг аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидачилик ҳаракати, маърифатларвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойлиқни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етати.

Муҳтарам юртдошлар! Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимида турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартдир.

Биз парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назоратини самарали ташкил этиш механизмлари билан боғлиқ барча масалаларни кунни кеча Олий Мажлисда бўлиб ўтган учрашуларда атрофича ва чуқур муҳокама қилиб олдик.

Шу билан бирга, куйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Биринчидан**, жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

Ҳокимлар охириги 3 йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланаётганини, вазирилик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Бош вазирдан бошлал барча ҳукумат аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю, вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак? Шунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилинади.

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот беришлари керак бўлади.

Ишонинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни тақдир қилган.

Яна бир муҳим масала. Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши таъбиий.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазиригини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларини тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича тақдир қилиш зарур.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган тақдирларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий бюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирилик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтирмасдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим. Шунинг учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини тақомиллаштириш даркор.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга

доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади.

Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилмақсдада Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни тақдир қилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим.

Хурматли депутатлар ва сенаторлар! Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда батафсил тўхталиб ўтганимиздан яхши хабардорсиз.

Бу борада куйидаги қўшимча вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Аввало**, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Яна бир бор айтмоқчиман – дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

Бу борада қабул қилган қонуний чора-тадбирларимиз аниқ натижалар бера бошлади. Ушбу ижобий ўзгаришларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустақиллиги бўйича махсус вакили Диего Гарсия-Саян жаноблари ҳам алоҳида эътироф этиди.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асосис қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқарётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларимиз бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, таъинқлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан қақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин.

Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш кўзгайтириш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд оstonасида қаттиқ қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукми сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис фйласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарс қолмайди”.

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазириги уч ой мuddатда юқорида билдирилган тақдирларни амалиётга жорий этишни назарда тутадиган, қонун лойиҳасини киритсин.

Иккинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли парламент яқин йилларда фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илгор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Қонунчиликни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгилаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур.

Биз ички ишлар идоралари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича жиҳдий ислохотларни амалга оширмақдамиз. Бироқ, очиқ тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага,

фуқароларнинг чинаяк ҳимоячисига айлангани йўқ.

Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислохотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгиш қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли, деб биламан.

Бу масала янги парламент, хусусан, Сенат олдидаги беш йиллик вазифа бўлиб, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш ва амалий чоралар кўриш лозим.

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

Тўртинчидан, афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққийтимизга ғов бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўллаб муружаатлар ҳам, маъбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳулининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “халоллик ваққинаси” билан эмланмас экан, ўз олдинизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни тақдир қилган.

Президент Администрацияси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари билан биргаликда уч ой мuddатда тегишли фармон лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бешинчидан, фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни тақомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истикомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси бу масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, жорий йил 1 майга қадар тегишли қонун лойиҳаларини тақдим этиши лозим.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирмамиз.

Бу борада 30 июль – “Халқаро дўстлик кўни” муносабати билан юртимизда биринчи марта “Дўстлик ҳафталиги”ни ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказишни тақдир этаман.

Мамлакатимизда “**жаҳолатга қарши – маърифат**” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишни тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидagi улуг мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, буюк аллома Бахавуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак.

Сизларга маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилётган инсонларвар сиёсат туфайли тўғри йўлдан адашган, билан-билмай хатога қўл урган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам диний экстремистик йўлга кириб қолганидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ҳақонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осийишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда.

Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенга-

шининг яқинда ўтказилган мажлисида бу борадаги устувор вазифалар ва амалий чора-тадбирларни белгилаб олдик. Куролли Кучларимиз ушбу вазифаларни самарали адо этади, деб ишонаман.

Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирмамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ мuddатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирмамиз.

Бу борада куйидаги устувор жиҳатларга сизларнинг диққатингизни қаратмоқчиман.

Биринчи. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

Иккинчи. Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иктисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Учинчи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттиришимиз зарур.

Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фондида катта ишонч билан қараймиз.

Биз Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятдаммиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни тақдир этган эдик. Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ёшлар ҳуқуқларига бағишлаб ўтказиш ва унда ушбу конвенция лойиҳасини муҳокама этишни тақдир қилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштиришимиз керак.

Тўртинчи. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарасини янада оширишимиз зарур.

Ўзбекистоннинг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиши, биз учун тарихий аҳамиятга эга. Биз Ҳамдўстликда савдо-иктисодий ва транспорт-транзит соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни ишга соламиз.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Бундан ташқари, жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан олий даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда. Ташрифлар доирасида мамлакатимиз манфаатларига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар ва дастурлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мамлакатимиздаги хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Хурматли ватандошлар, азиз меҳмонлар! 2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Бизнинг мидон, енгилимас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга бекиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қорни урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар кунни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратамиз.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида мухташам “Ғалаба боғи” бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва қадрлаш

кунни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бундан уч йил олдин мамлакатимиз тараққийини янги босқичга кўтариш мақсадида буюк ишларни бошлаганимиз. Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, биз бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Энди ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Чунки юртимиздаги ислохот ва ўзгаришлар жараёни ортага қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда. Бу борада 2020 йил барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили бўлади. Энди кечаги ютуқ ва марралар, бизни сира қониктирмайди. Нега деганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам, кечаги халқ эмас.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислохотни, бундай шиддатли жараёни ҳеч ким, ҳеч қандай куч, тўхта олмайди.

Энг муҳини, ислохотларимиз самарасини юртимиз

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Гўшт қиммат

бунга сабаб бўладиган жиҳатлар кўп

Президентимизнинг 2019 йил 26 июль кун...

бўрдоқлар боқишни бошлади. Мутахассиснинг айтишича...



қорамоллар кўпроқ маҳсулдор ҳисобланади.

Берилган топшириқ асосида вилоятимизда гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида...

Маҳаллий ва насли қорамолнинг афзалликлари таққослаб кўрсак. Хўш, насли қорамол олиш учун катта маблағ сарфлаш тўғрисида...

Лекин четдан келтирилган чорва молларининг аксариятида туёқ касаллиги учрайди.

Бир неча йиллик кузатувида кўра Россия, Украина ва Беларусь давлатларидан келтирилган чорва моллари туёқ касаллигига чалинмайдими, дейди Ш.Тошпўлатов.

Айтилик, маҳаллий қорамол бир йилда 1,5-2 тоннагача сўт, туғилганда 15-20 килограмм оғирлиқдаги бузоқ ва у бир ёш вақтида вази 100-120 килограмгача етиши мумкин.

Самарқанд тумани "Чумчуқли" маҳалла фуқаролар йиғинида ишлаш учун етарли шароит йўқ. Маҳалладаги чойхонанинг бир хонасидан фойдаланиб келаётган йиғин ходимлари - раис, котиб, посбон, хотин-қизлар бўйича мутахассис ва профилактика инспектори бир хонада жам бўлиб, тиқилишиб ишлайди.

«Чумчуқли» маҳалласи ҚАЧОН ўз биносига эга бўлади?

ДАРДИНГИ КИМГА АЙТСАНГ, АЙТ, БИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛМА

Маълум бўлишича, Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси мурожаатни ўрганиб чиқиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгашига йўналтирилган.

«Маҳалла маркази» мажмуаларида худудий кенгашлар ҳамда «Маҳалла» фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлиmlарини жойлаштириш чораларини кўрсин, деб белгиланган.

БИНОСИ ЙЎҚ МАҲАЛЛА ҚОЛМАЙДИ

2019 йилда ҳомилийк ва маҳаллий бюджет ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 84 та маҳалла фуқаролар йиғинига янги бино қуриб берилди, дейди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бадриддин Насриев.

Демак, энди бинолар масаласида бутун эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилади. Шу маънода айтиш мумкинки, бугунги кунда вилоятда 9 та маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси йўқ, 19 та маҳалла биносидан эса хоналари етишмайди.

Албатта, қайд этилган маҳаллаларда босқичма-босқич бинолар қуриб, фуқаролар йиғинлари фаолияти учун зарур шароит яратилади. Бунда табиийки, маҳаллий ҳокимларнинг эътибори ва амалий кўмагига таянмай.

НОТЎҒРИ ТУШУНТИРИЛГАН

Ташкилотга келганимга икки йилдан ошди, дейди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Муйин Набиев.

Халқ қабулхонасига йўлланган мурожаатга жавобни нотўғри тушунишган. Биз фуқаролар йиғинини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур чораларни кўраёلمиз. Хусусан, маҳалла худудидаги Агросоноат коллежи тугатилиб, биноси мактабга берилди.


Мутасаддиларнинг ваъдаларига ҳам ишонамиз ва мумкин, Президентимизнинг фармонида белгиланган вазифалар вилоятимизда ўз вақтида бажарилади, деган умиддамиз.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Вилоятимизда ўтган йилнинг тўрттинчи чорағида давлат статистика қўмитасидан белгилаб берилган 1304 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган кузатув сўрвонамалари таҳлил этилди.

Ургут туманидаги «Самарқанд Гулбод» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган уй-рўзғор буюмлари билан ички бозорда ўз ўрнини топган корхоналардан.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

50 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада рўзғор учун энг зарур буюмлар - қозон, чойнак, челақ, манти қасқон ишлаб чиқарилмоқда.

Дастлаб фаолиятимизни 3 хилдаги алюминий маҳсулот ишлаб чиқариш билан бошлагандик, дейди корхона бошлиғи Фирӯз Тўраев. Утган йилдан бошлаб корхонамизда замонавий технологиялар ёрдамида рангли чойнақлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Маҳсулотимиз ички ва ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга бўлди.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

гўшт топшириши лозим, аммо фаолият юритаётган хўжаликларда бундай эмас. Қолаверса, чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий жиҳат, албатта, қорамолларни тўйинтирилган озуқа рациони асосида озиклантириш ҳисобланади.

Соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолардан яна бири - жойларда еш шохобчаларининг йўқлиги. Масалан, майда шохли қорамолга бир йилда 100 килограмдан ортиқ, йирик шохли қорамолга эса 1 тоннадан ортиқ еш зарур бўлади.

Хуллас, ҳаммамиз ҳам қассобхонадан арзон ва сифатли гўшт олишни хоҳлаймиз. Лекин бугунги нархда хар кунги қозонга соладиган гўшт сотиб олишга ҳаммамнинг ҳам қурби етмайди. Демак, бундай муаммоларнинг ҳал этилиши қорамоллар зотини яхшилаш билан бирга одамларнинг гўштга бўлган талабини ҳам қондиради.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Зарафшон» муҳбири.

Муносабат Энди амалий ишга

Шу кунга қадар ўтказиб келинган тўй ва маросимлар ҳақида ўйласам биз кўп яхши анъаналаримизни йўқотиб қўйганимизни англагандекман.

Масалан, ўзида мукамаллик касб этган, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган урф-одатларимиз, удуларимиз дабдабали тўйлар, ортиқча қадалар соясида қолиб кетмоқда. Бунга ўзимиз сабабчи бўлаётганлигимизни бугун очик айтишимиз керак.

Парламент палаталарининг 2019 йил 14 сентябрдаги «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ҳамда мазкур ҳужжатнинг шу йил 1 январдан кучга кириши барчамизнинг қўнглимиздаги гап бўлди.

Энди тўй ва маросимларимиз рисоладагидек ўтиши турган гап. Яқинда маҳалламизда ушбу қўшма қарор ижросига бағишлаб йиғилиш ўтказдик. Унда кўпни кўрган отахону онахонлар, ёшлар иштирок этиб тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни камхарж ўтказиш, айнисқа, уларда ёшларнинг иштирокини тартибга солиш, хотин-қизлар ўртасидаги олди-бердилар, аза кунларини қисқартириш, никоҳ кечаларидаги ўзбошимчаликларни чеклаш, энди ўзимиз ҳам амалий ишга ўтишимиз шартлигига келишиб олдик.

Тўй ва маросимларни тартибли ўтказувчи махсус комиссия тuzилди.

Жамол НУРМАНОВ, Паст Даргом туманидаги Найман фуқаролар йиғини раиси.

Кўп қаватли уйларнинг 62 минг хонадонидан 3 мингтаси иситиш тизимига эга

59 минг хонадон асосан, газ плитаси ёки электр энергияси билан иситилмоқда

Бу ҳақда вилоят матбуот уйида ўтказилган матбуот анжуманида «Худудга Самарқанд» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Холмурод Бобомуродов маълумот берди.

Ҳаво ҳарорати пасайиб кетгани оқибатида аҳоли уйини газ плитасини ёки қўйиб иситишга ёки қўйиб иситиш воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда, дейди Х.Бобомуродов.

Бор эди. Утган йил эса иссиқхоналар майдони 154 гектардан ошди. Бу иссиқхоналар ҳам аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, вилоятимиз иқтисодийетини мустаҳкамлаш учун зарур. Айни пайтда мазкур иссиқхоналарда буюртма бўйича, шунингдек, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулот етиштирилмоқда.

захира фондига эга эмас. Шунга қарамай, ҳозирда асосий эътиборимиз аҳолига табиий газ, газ етиб бормаган ёки босим пасайиб кетган худудларга суюлтирилган газ етказиб беришга қаратилган.

Матбуот анжуманида «Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти бош директори Умар Жўраев ҳам айни пайтда вилоятда аҳолига электр энергияси етказиб беришда юзгага келаётган муаммолар, жорий йил учун белгиланган режалар ҳақида маълумот берди.

У.Жўраев бугунги кунда вилоятда электр энергияси етказиб беришда кўп узилишлар кузатилаётганини қайд этиб, бу қиш мавсумида эҳтиёжнинг юқорилиги ва электр тармоқларига юктамаларнинг ошиб кетиши билан боғлиқлигини таъкидлади.

Матбуот анжумани

энергиясига бўлган ойлик эҳтиёжи 450 миллион киловатт/соат эди, бу йил эса 500 миллион киловатт/соатни ташкил этмоқда, дейди У.Жўраев. Ҳозирда ушбу миқдордаги электр энергиясини оляпмиз, аммо истеъмолчиларга етказиб беришда муаммолар юзгага келмоқда. Сабаби, айни пайтда вилоятимизда мавжуд 570 мингдан ортиқ симёғочнинг 65 фоизи муддатини ўтаб бўлган, алмаштирилиши лозим. Шунингдек, 11 мингдан ортиқ трансформатор пунктларимизнинг ҳам асосий қисми белгиланган меъёрдан юқори юктамалар билан ишламоқда.

У.Жўраев бугунги кунда вилоятда электр энергияси етказиб беришда кўп узилишлар кузатилаётганини қайд этиб, бу қиш мавсумида эҳтиёжнинг юқорилиги ва электр тармоқларига юктамаларнинг ошиб кетиши билан боғлиқлигини таъкидлади.

ШАХС ВА ЖАМИЯТ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Пайариқ тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари Сайдулла Бойзоқов ўтган йили Ватанамиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Бойзоқовнинг ФИДОКОРОНА хизматлари нимада?

Сайдулла ака билан илк бор "Маҳалла" жамғармаси Пайариқ тумани бўлими раиси вазифасида ишлаб юрганида сўхбатлашганман. Тумандаги маҳаллалар ишини такомиллаштириш, маҳаллани шу ҳудуд аҳолисининг энг яқин маслаҳатчиси, кўмакчиси айлантириш борасидаги кўп ташаббусларини эшитганман, бунга гувоҳ ҳам бўлганман. Вилоят ва туман миқёсидаги тадбирларда доим фаол фахрийлар қаторида бўлиши, айниқса, ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиши туфайли отахоннинг бу борадаги фидокорона хизматлари эътироф этилибди-да, деб ўйлаган эдим. Яқинда у киши билан яна учрашиб, сўхбатлашганимиздан кейин бу ўйим бироз торроқ бўлганини англадим.



эшигини қоқди.

Сув хўжалиги идорасига борсам, раҳбар йўқ экан, Даврон Эгамқулов деган бош муҳандис билан кўришдим, - деб гапида давом этади Сайдулла ака. - Тақдирини қарангки, энди меҳнат фаолиятини бошлаётганимизда шу одамни менга рўбарў қилди. Кейинчалик ҳам бу инсон менинг ҳаётимда ўзига хос ўрин тутди, кўп маслаҳатлар берди, тўғри йўл кўрсатди. Ҳаётда ҳам, ишда ҳам устозлик қилди. Мақсадимни айтганимдан сўнг у киши "Сиздай мутахассислар керак бизга, ука. Бошликка кириб, албатта ишга олади" деди. Кейин шу кунги кечгача раҳбарни кутиб ўтирдим. Уч-тўрт соатлардан кейин бошлиқ - Елецкий деган киши келди. Олдига кириб, иш сўраб келганимни айтдим. "Бизда ҳозир катта мутахассислар бўлиб қолган бўлиш керакми?" деди. Ишлайман, дедим. Ҳайрон бўлиб, яна шу саволни берди. Қатъий жавоб бердим. Шу тарзда Пой каналнинг Омон гидропостига ишга бўйруқ чиқарди. Беклар деган дарғатда қоровул-назоратчи бўлиб ишлаш бошладим. Ўша пайтларда сув жуда танқис, ишни тартибга кўйиш керак эди. Шунинг учун туну кун ишлашга тўғри келди. Зиммамга юклатилган вазифани бажариш учун ҳамма кийинчиликка чидадим.

Елецкий мени синанган эканими ёки кейин ишонч пайдо бўлдимки, бир йилдан сўнг, 1960 йилда тумандаги хўжаликларнинг бирига гидротехник қилиб ишга жўнатди. Бу колхоз ҳам уйимиздан узоқ эди. Раис битта велосипед олиб берди ва битта хона ҳам ажратди. Шу ерда ётиб, хўжалик ерларини велосипедда айланиб келаман. Эрталаб соат бешдан тун ярмигача далама-дала юраман. Хўжаликда одамлар билан тил топишиш, сувчилару бригадирлар билан бирга ишлашни ўргандим. Муҳими, раис омон қўллаб-қувватлаб турди, ёрдам берди. Бу ерга ҳам энди мослашиб, ишни йўлга қўйиб олганимда мени туман сув хўжалиги бўлимига қайтаришди - Даврон

акага ёрдамчи бўлиб ишлаш бошладим. Ана шу даврда Даврон Эгамқулов менга муҳандисликни ўргатди. Сув иншоотлари қурилиши билан шуғулландик. Соҳа ишини пухта ўзлаштира бошладим. Бу вақтда ёш мутахассиснинг ҳаракатчан ва тиниб-тинчимаслиги, ўз вазифасига виждонан ёндашиши, асосийси, ҳалоллиги туман раҳбарлари эътиборига тушган, у ҳақда катта-кичик давраларда яхши фикрлар айтила бошлаган эди. Шунинг учун уни тумандаги хўжаликларро қурилиш корхонасига бўлим бошлиғи этиб тайинладим. Орадан икки йил ўтиб, шу корхона раҳбари бўлди.

29 Ёшли раис

Сайдулла Бойзоқовни 1968 йилда тумандаги Охунбобоев номи жамоа хўжалиги раислигига қўйишди. Ёш йигит бу катта вазифани ўзини йўқотиб қўймади. Раҳбарларнинг ишончини оқлаш, халқнинг меҳрини қозониш учун тиним билмай ишлади. Ўзини эмас, элини ўйлади. Мансабидан фойдаланиб, хўжаликдан нимадир олиб уйига ташимади, ўзи учун уй-жой қуришга интилмади. Ҳалол-поқ ишлашга ҳаракат қилди.

Сув хўжалиги, қурилиш ишларидан яхши хабардор бўлсам-да, деҳқончилик борасида етарли тажрибага эга эмасдим, - деб эслайди ўша йиллари Сайдулла ака. - Шунинг учун тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб ишладим, уларнинг тажрибасини ўргандим. Колхоз идорасида деярли ўтирмадим, доим далада бўлардим. Шийпонда бригадир ва агрономлар билан кенгашиб, вазифаларни белгилаб олардик. Кунимиз ҳам, тунимиз ҳам ўша ерларда ўтарди.

Бир кунги, яшанба эди, эрталаб далаларни айлангач, бир идорага ҳам кириб деб ишхонага ўтгандим, туманининг биринчи раҳбари Абдулла Мелиевчи ҳам келиб қолди. Анча вақт сўхбатлашдик. У киши хўжалик ишлари билан қизиқди, режаларни сўради. Тушлик вақти бўлиб қолган эди. "Абдулла ака, вақтингиз бўл-

са, бирга чой ичсак", деб таклиф қилдим.

"Майли, бирга тушлик қиламиз, лекин қаерда?" деб сўради у киши синовчан тикилиб менга. Колхоз идораси олдида кичикроқ ошхона бор эди, ўша ердан овқат олиб келишни мўлжаллагандим. Лекин яшанба кунги улар ишласмас экан. Кейин йигитлар қаердандир беш-ўн та тухум олиб келишди. "Абдулла ака, ошхона бугун ишламаётган экан, тухум пиширсам бўладими?" деб сўрадим. "Бўлади, яхшилаб пиёз билан ковринг қани", деди туманининг биринчи раҳбари. Шу тарзда иккаламиз идорада тухум пишириб еб тушлик қилгандик.

Абдулла ака кетаётганида "Хўжаликда иш қандай кетаётганидан яхши хабардорман, бундан кўнглим тўқ. Лекин мен сизнинг қандай яшаётганингиз, нима еб, нима ичаётганингизни билиш учун келгандим" деди. Кейин у киши яна кўп маслаҳатлар бериб, доим одамлар орасида бўлиш кераклигини айтди.

РАҲБАРЛИК - ЮКСАК ИШОНЧ, МАСЪУЛИЯТ, ХАЛҚ МЕҲРИГА МУНОСИБ БЎЛИШ

Сайдулла Бойзоқов меҳнат фаолияти давомида тумандаги бир қатор хўжаликларга, туман, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига раҳбарлик қилган йилларида ҳам аввало билдирилган ишончини оқлашга, зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга интилди.

1989 йилдан бошлаб олти йил давомида Пайариқ туманини бошқарган пайтларида эса шу пайтгача орттирган тажрибаси, раҳбарлик салоҳиятини ишга солиб, туман иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишга ҳаракат қилди. Бу даврда ҳудудда кўплаб ижтимоий соҳа объекти бунёд этилди. Янги қишлоқлар ташкил этилди, йўл ва бошқа коммуникация тизимлари қурилди. Кейин Сайдулла ака кўп йиллар "Маҳалла" жамғармаси Пайариқ туман бўлимини бошқарди.

Меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми раҳбарлик вазифаларида ўтиб шунга амин бўлдимки, инсонни улуғлайдиган, эл ичида обрў-эътиборини юксалтирадиган хислат фақат ҳалол меҳнат, элга хизмат қилиш экан, - дейди Сайдулла Бойзоқов. - Қолган ҳаммаси - мансаб ҳам, мол-давлат ҳам ўткинчи. Қайсидир лавозимда ўтирганингизда ёки умуман, ҳеч қандай мансабсиз ҳам кимгадир яхшилик қилган, қаеридир обод этган бўлсангиз сиздан қоладигани, сиз ҳақингизда айтиладигани шу экан. Саксон ёшимда давлатимиз раҳбарининг эътибори, эътирофи туфайли "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланганим ҳам бир умрлик меҳнатларимнинг меваси бўлди, деб биламан.

Одамдан қоладиган яна бир из - яхши фарзандлар, ибратли оила экан. Яратганга шукр, менинг пешонамга ҳалол-поқ инсонларнинг фарзанди бўлиш, оқила умр йўлдош билан ҳаёт кечириш, ота-она ҳамда элнинг дуосини олишни биринчи ўринга қўядиган болаларга ота бўлишни ёзган экан. Турмуш ўртоғим билан саккиз фарзандни ўстириб, жамиятга хизмат қиладиган инсонлар этиб камолга етказдик. Бугун уларнинг бахти, ҳузурини кўриб, ҳаётда беиз яшамаётганимизга шукр қиламан.

Ғолиб ҲАСАНОВ. * * * Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат.

223 та корхона ўрганилди, уларнинг 40 дан ортиғи тугатилади

Президентимиз 2019 йил 11 декабрда давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилиш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги ва 2020 йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга бағишланган йўғилишда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хорижий инвесторлар учун қўлай инвестиция муҳитини яратиш борасида қатор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойилларини кенг қўллаш юзасидан тизимли ислохотлар олиб борилаётганлиги қарамай иқтисодиётда давлатнинг улуши ҳануз юқориликда қолмоқда. Республикада 2819 та давлат иштирокидаги корхонанинг аксарияти эски усулда фаолият юритмоқда ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи юқо-

рилиги, бозор шароитида рақобат қила олмаётганлиги кўрсатилди. Белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан вилоятимизда 223 та давлат иштирокидаги корхона ҳамда инвестиция соҳасидаги 2 та санат ҳудудининг фаолияти танқидий ўрганилди. Жумладан, ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳасидаги 6 та, ҳудудий коммунал, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 137 та, оғир санат, геология, металлургия, молия соҳасидаги 5 та, енгил санат, машинасозлик ва электротехника соҳасидаги 4 та, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика соҳасидаги 40 та, нефть-газ, кимё, энергетика соҳасидаги 3 та, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат соҳасидаги 26 та корхона ўрганилди. Уларда давлат улушини сақлаб қолиш, ху-

сусий инвесторларга сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш бўйича шахар ва туман ҳокимликлари, таъсисчилари ҳамда корхона раҳбарларининг таклифлари олинди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги "Паст рентабелли ва фаолият юритмаётган ташкилотларни жадал реализация қилиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 6 та корхонада давлат улушини сотиш, 5 та паст рентабелли ва фаолият юритмаётган корхонани банкротлик йўли билан тугатиш, 38 та фаолият юритмаётган давлат унитар корхоналарини тугатиш ишлари олиб борилмақда. Шерзод УРОЛОВ, давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи.

АҚШга боришнинг нархи долларми? 5000

Айрим юртдошларимиз амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилишдан кўра, ўз масаласини ноқонуний ҳал этиш йўлларини излаб, фирибгарлар алдовига учрамоқда. Бош прокуратура томонидан ўтказилган таҳлил натижасига кўра, 2019 йилнинг 10 ойида рўйхатга олинган жиноятларнинг 11,7 фоизини фирибгарлик жиноятлари ташкил этган. Бу кўрсаткич Самарқандда 10,8 фоизга тенглиги қайд қилинган.

Аксарият ҳолларда, жабрланувчилар фирибгарларга ўзлари "илтимос" билан боришади. Самарқанд туманида яшовчи Жўра Умиров (исм-фамилиялар шартли) ҳам айнан шундай қилган. У "Spark" русумли автомашинасида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган юрганда Бобур Нодиров билан танишиб қолади оилавий шароитини янада яхшилаш учун АҚШга бориши кераклигини айтади. Б.Нодировнинг океанортида бўлганини эшитганч, "Ака менинг ҳам ҳужжатларимни тўғрилаб беринг, Америкага кетаман", деб уни холи-жонига қўймаган.

Бобур бунинг учун элчинонага олдиндан 5000 АҚШ доллари бериш кераклигини айтган. Жўра ҳозир пули йўқлигини, лекин отасига тегишли "Spark" русумли автомашинасини сотишини айтган. ...А.Олимовга етказилган зарар тўлангач, Бобур Нодиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли, деб топилди, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ туза-тиш ишлари жазоси тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Самарқанд туманида яшовчи Жўра Умиров (исм-фамилиялар шартли) ҳам айнан шундай қилган. У "Spark" русумли автомашинасида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган юрганда Бобур Нодиров билан танишиб қолади оилавий шароитини янада яхшилаш учун АҚШга бориши кераклигини айтади. Б.Нодировнинг океанортида бўлганини эшитганч, "Ака менинг ҳам ҳужжатларимни тўғрилаб беринг, Америкага кетаман", деб уни холи-жонига қўймаган. Бобур бунинг учун элчинонага олдиндан 5000 АҚШ доллари бериш кераклигини айтган. Жўра ҳозир пули йўқлигини, лекин отасига тегишли "Spark" русумли автомашинасини сотишини айтган. ...А.Олимовга етказилган зарар тўлангач, Бобур Нодиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли, деб топилди, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ туза-тиш ишлари жазоси тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Белгиланган муддат келса ҳамки, "Spark" автомашинаси тақсирчилик қилиш учун рўйхатга қўйилган МЧЖ балансида чиқарилмайдиган. Табиийки, А.Олимовнинг номига расмийлаштирилмайдиган ҳам. Жўрани излаб уйига келган А.Олимов "Spark" автомашинасининг 4700 АҚШ доллари миқдоридagi пулларини Америкага кетиш учун ҳужжатларини расмийлаштириб беради, деб Бобурга берганини, у эса дом-дараксиз кетганини эшитида. ...А.Олимовга етказилган зарар тўлангач, Бобур Нодиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли, деб топилди, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ туза-тиш ишлари жазоси тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Д.НУРАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани суди судьяси.

БУ - ФАКТ! Нуробод тумани бандликка кўмаклашиш маркази томонидан 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 2476 нафар фуқароларнинг ишга жойлашиш борасидаги муурожаатлари ўрганилган. Иш сўраб муурожаат қилган фуқароларнинг 1329 нафари, шунингдек, хорижий давлатлардан қайтиб келган меҳнат мигрантларидан 267 нафари ишга жойлаштирилган. Нуробод тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

Жомбой туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 41 нафар фуқаро ишли бўлди. Туман ҳокимлиги ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда эллиқдан ортиқ хўжалик субъекти 694 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Унда 117 нафар ёшлар ва битирувчилар, 78 нафар хотин-қиз ҳамда 30 дан ортиқ хориждан қайтган фуқаро қатнашди. Уларнинг 41 нафари ўзи танлаган йўналиш бўйича ишга жойлашиши учун йўлланма олди. Ярмарка давомида "Ёшлар - келажагимиз" жамғармаси туман бўлимининг фаолияти ҳудудда фаолият юритаётган "Billur textil group" масъулияти чекланган жамиятини мисолида тақдим қилинди. Жомбой тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

Литвада ҳар жума куни қабристонларда ҳашар қилинаркан. Бизда-чи?

Яқинда бирга катта бўлган дўстим Яник ота-сининг қабрини зиёрат қилиш учун Каттақўрғонга келди. Яник шу ерда туғилган, ҳозир Литвада яшайди. Биродарим билан қабрдон кўшилариникида бўлдик, ўтганларни ёдга олдик. Шундан сўнг отаси Павлик тоғанинг қабрини зиёрат қилиш учун қабристонга бордик. Вафот этганига 30 йилдан ошгани ва қабристонни ёввойи ўт босгани учун қабрини топиш бироз мушкул бўлди. Қабрни топгач, атрофини хас-хашаклардан тозаладик. Бу ҳолатдан Яникнинг дили ранжиди. - Литвада қабристонларга эътибор жуда катта, - деди дўстим қабристондаги ҳолатни кўриб.

- Қўркам истироҳат боғидан қолишмайди. Турфа гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар экилган, салқин. Ҳар бир қабрга элтадиган йўлакчаларга бетон қопламалар ёки плита ётқизилган. Қабристонларни обод қилиш учун махсус ишчилар бор, муҳими ҳафтанинг ҳар жума кунини 7 ёшдан 70 ёшгача, барча аҳоли қабристонларда ўтказиладиган ҳашарда иштирок этади. Бу одатга айланган. Ахир ўтганларнинг руҳини шод қилиш, улар ётган жойни обод қилиш ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарз. Дўстимнинг гапларини эшитиб, Литвадаги бу аъёнанага ҳавас қилдим. Аслида бизда ҳам қабристонларни обод қилиш олий қадриятларимиздан саналади.

- Қабристон муқаддас маскан. Уни озода ва кўркам сақлаш инсоний бурчимиз, - дейди Каттақўрғон туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ғайрат Тўйчиев. - Туманимизда 181 та қабристон рўйхатга олинган бўлиб, 170 таси тўлиқ ободонлаштирилган, атрофи девор билан ўралган, махсус маросим ўтказиш учун бинолар қурилган. Бошқарма томонидан кейинги йилларда 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, тоғ ва дашт ҳудудлардаги 30 га яқин қабристон ободонлаштирилиб, бинолар қуриб берилди. Мойбулоқ, Бешдарғат, Хўжамсабр, Чувиллоқ қишлоқлари шулар жумласидан. Ўтган йилнинг

9 ойида тумандаги қабристонларда 12 километр ҳажмдаги йўлакчалар барпо этилди. Айрим саховатпеша инсонлар томонидан ҳам қабристонлар обод қилинган. Жумладан, Мўминхўжа маҳалласида яшовчи Маҳмуд Боймуродов «Лайлак» қабристини атрофини ўраб, қабрларга олиб бориладиган йўлакчаларга бетон ётқизган бўлса, каттаараблик Сайдик Рўзиев «Каттаараб» қабри-стони деворини ўраб, манзарали дарахт кўчатлари эчки, томчилабик суғориладиган тармоқ ўтказди. Яқинда бир хайрли иш бошладик: ҳар шанба қабристонларда ҳашар ўтказишни йўлга қўйдик. Азим ҚОДИРОВ.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Аёвсиз ҳаёт машаққатлари, азоблари, муҳтожликларини кўравериб жисман, рухан ва ақлан чиниқиб, пишиб, камолотга етиб, нафси ўрнини ҳам илм нурлари тўлдирган, ёши тўқсонни қоралаган, асаб хасталиклари ҳақими, профессор устозим Матлуб Самибоев билан бир куни шаҳар хиёбонини айланиб юрардик. Сайри-миз ниҳоялаб, катта бозор ёнига етганимизда у киши бир неча тиланчига қаради-да, тоза-озода кийинган, ўрта ёш, озгин кишини кўриб, сапчиб тушди ва менга юзланиб, маънодор деди:

Нафсни, ҳатто очликда ҳам тийиш мумкин

Тиланчилар орасида турган мана шу одам ҳозир жудаю оч, ўғлим. Узоқ кунлар тўйиб овқат емаганлиги, беҳоллиги шундоқ чехрасидан билиниб турибди. Кел, шу одамга бир ёрдан қиламиз, у билан бирга анави ошхонага кириб овқатланамиз. Бу унга ҳам ҳиссий, ҳам жисмоний мадад бўлади. Агар чўнтагига уч-тўрт сўм пул ҳам солиб кўйсак, ўзини тутиб олади. Эҳ, болам, бу одамни бозорма-бозор, кўчама-кўча гадюлик қилишдан покиза қалбидаги ҳадсиз кучли орияти, ҳамияти, ғурури, иймони, илми, ҳудожўйлиги тўхтаб турибди. У тиланчи эмас, Худо ва илм кўйидаги

омадсиз одам. Худонинг дийдорини излаётган сарсон-саргардон солиҳ йўловчи! Бу жудаям буюк илоҳий қудрат. У агар айни шу аҳволда яна уч-тўрт кун оч-ночор юрса, муқаррар касалланади, жисмидаги бор ички ҳаётий қувватлари ҳам тугаб, нобуд бўлади, кетади. Бундай кучли орият, номус-иймонли, мағрур одамлар шу аҳволга тушиб қолгунларича чидаб номус, иймонларини заррача букмай мардона яшаб ҳалок бўладилар ёки руҳлари токи Аллоҳнинг пойларига етиб бор-

гунича барча хўрлиғи муҳтожликларга бардош беради ва охир-оқибат улуғ бир авлиёга айланади. Ана у, нариги, бошқа кексароқ исқирт, кийим-бошлари кир-чир тиланчига ҳам бир қара, у нафс бандаси! Очкўз нафсининг тобеси, қули! У тиланчи либосини ёпиниб олган қаллоб. Унинг нотоза қалбида на Худо бор, на илм, на меҳр, на раҳм-шафқат. У вужудидаги борики уят, ҳамият, ибод, инсоний ғурур, ор тўйгуларини топтаб, одамлардан шармандаларча хайр эмас, егулик, пул талаб қилмоқда. Ёлвориб сўрапти, тиланяпти эмас, талаб қилмоқда. Гўёки макророна тарзда. Унинг бундай қилишга ҳаққи йўқ, гуноҳ бу, одамлар эса бунга мажбур ҳам эмас. Кекса гадонинг бу қилиғи шариат тамойилларига ҳам зид ҳолат - инсон пасткашлигининг гадюлиқдан-да тубан, жирканч кўринишидир, болам! Бу ҳол инсоннинг тангри инъом этган шаъни, орияти, иймонини ерга уриши, булғашу, Худого ҳам шак келтиришидир. Бундай одамлар ҳеч қачон ҳаёт машаққатларига мардона чидаб, кураша олмайдилар, чунки ҳалол меҳнат ки-

лиш уларга ётдир. Яна қайтараман, улар нафс қулларидир. ...Домла иккаламиз ниҳоят ўша хайр сўраётганлар қаторида турган озода кийинган одамнинг ёнига бордик ва таклифимизни охишта тушунтирдик. У сесканиб кетиб, беҳос йиғлаб юборди-да, терс бурилиб бозорнинг ичига қараб кета бошлади. Домлага эргашиб унинг орқасидан бордим. - Ота-а! - дея ҳаяжонлиб қўққираб юборди домла ўзидан икки ҳисса ёш ўша «ёқимтой тиланчининг» ортидан қолмай. - Отажон! Худо ҳаққи рад этман таклифимизни! Ёлвориб сўраямиз! Худо ҳаққи! Гадо илкис тўхтаб, ёнимизга келди. - Худо ҳаққи?! - савол назари билан эман-ди у. - Худони танийсизми?! - Ҳа, ота! Танийман! Танийман! - Англайсизми Худони?! - Ҳа, ота, англайман! Англайман! - Юринг унда, бирга бораман... Муродим УМРЗОҚОВ.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбол / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро - вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2020 йил 25 февраль куни соат 10:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

- Шаҳар автобус йўналишлари:
ША "2" - "Бахтли ҳаёт маҳалласи - СамДАҚИ";
ША "54" - "Сугдиёна маскани - Ўрмон хўжалиги";
ША "79" - "СамДАҚИ - Чакка маҳалласи".
Шаҳар атрофи автобус йўналишлари:
ШАЙ "209а" - "Ургут - Навоий шохкўчаси бўйлаб - Ургут АББ";
ШАЙ "214" - "Соҳибкор МФЙ - Мирбозор";
ШАЙ "216" - "Каттақўрғон АББ - Ингичка қўрғони";
ШАЙ "219" - "Нўш - Тут - Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "220" - "Сўхмон - Боғбон - Булунғур туман электр тармоқлари";
ШАЙ "222" - "Илонсой маҳалласи - Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "223" - "Мароқанд нефть базаси" - Темирийўл АББ";
ШАЙ "225" - "Шоҳи Зинда АББ - Оболон маҳалласи";
ШАЙ "226" - "Шоҳи Зинда АББ - Қўнғирот маҳалласи";
ШАЙ "228" - "Каттақўрғон - Қоракўлча маҳалласи";
ШАЙ "238" - "Булунғур АББ - Фозил Йўлдош - Калтепа";
ШАЙ "239" - "Булунғур АББ - Шўрбедона";
ШАЙ "252" - "Каттақўрғон АББ - Ёнбош қишлоғи";
ШАЙ "253" - "Каттақўрғон АББ - Бурган (73-мактаб)";
ШАЙ "264" - "Сиеб АББ - Баҳрин - Ургут АББ";
ШАЙ "265" - "Шоҳи Зинда АББ - Хўжа Исмоил - Окқўрғон";
ШАЙ "269" - "Мирбозор АББ - Арабхона";
ШАЙ "274" - "Митан - Иштихон - ДАН ЙПХ";
ШАЙ "276" - "Митан - Чаккар";
ШАЙ "278" - "Иштихон - Охунбобоев";
ШАЙ "281" - "Каттақўрғон АББ - Оҳалик қишлоғи";
ШАЙ "296" - "Говбанд - Примкент - Лойиш";
ШАЙ "301" - "Тиббиёт коллежи - Пайарик АББ - Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "304" - "Митан - Зарбанд";
ШАЙ "308" - "Жума АББ - Дўрмонтепа - Ҳазора АББ";
ШАЙ "309" - "Пайшанба - Мойбулоқ";
ШАЙ "315" - "Шоҳи Зинда АББ - Шерқўрғон";
ШАЙ "315а" - "Шоҳи Зинда АББ - Ногаҳон";
ШАЙ "316" - "Шоҳи Зинда АББ - Булунғур АББ (Самарқанд томондан)";
ШАЙ "319" - "Шоҳи Зинда АББ - Жомбой - Айғирбулоқ";
ШАЙ "325" - "Жума АББ - Парчақора қишлоғи";
ШАЙ "345" - "Сиеб АББ - Ургут АББ";
ШАЙ "356" - "Шоҳи Зинда АББ - Оҳалик қишлоғи";
ШАЙ "359" - "Жума АББ - Учқора қишлоғи";
ШАЙ "360" - "Жума АББ - Зармон маҳалласи";
ШАЙ "402" - "Темирийўл вокзали - Ал-Бухорий";
ШАЙ "404" - "Лаззат чойхонаси - Тут - Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "408" - "Челак - Уймовут";
ШАЙ "438" - "Мирбозор - Ойбек - Бўстон";
ШАЙ "445" - "Сиеб АББ - Омонқўтон қишлоғи";

- ШАЙ "464" - "Мирзаарик маҳалласи - Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "492" - "Ургут АББ - А.Навоий - Сиеб АББ".
Шаҳар атрофи йўналишлари такси йўналиши:
ШЙТ "208" - "Собиқ "Ўзбекистон ш/х. - Ҳазора АББ";
ШЙТ "213" - "Ҳазора АББ - Чархин сув чиқариш жойи";
ШЙТ "223" - "Мароқанд нефть базаси" - Ҳазора АББ";
ШЙТ "228" - "Каттақўрғон шаҳри - Мирбозор АББ";
ШЙТ "229" - "Каттақўрғон АББ - Каттақўрпа қишлоғи";
ШЙТ "232" - "Иштихон - Файзобод - Иштихон айланма йўли";
ШЙТ "243" - "Ургут АББ - Чеп қишлоғи";
ШЙТ "246" - "Зиёвуддин - Қизилнишон";
ШЙТ "254" - "Файзобод - Сиеб АББ";
ШЙТ "256" - "Оҳалик қишлоғи - Мароқанд бозори";
ШЙТ "268" - "Зиёвуддин - Болтали - Мирбозор (Мирбозор томондан)";
ШЙТ "269" - "Кўшрабат АББ - Зармитан";
ШЙТ "275" - "Қирғули - Зиёвуддин";
ШЙТ "285" - "Мирбозор - Зиёвуддин (Мирбозор томондан)";
ШЙТ "288" - "Жомбой - Эски Жомбой";
ШЙТ "291" - "Жомбой - Найман қишлоғи - Қиёт қишлоғи";
ШЙТ "296" - "Лоиш - Улўғбек";
ШЙТ "327" - "Ойжон - Кадан - Пайшанба АББ";
ШЙТ "334" - "Жомбой - Сарой маҳалласи";
ШЙТ "335" - "Шайманбозор - Ҳолвойи";
ШЙТ "341" - "Жума АББ - Ҳиндибой";
ШЙТ "358" - "Жума АББ - Қорасув қишлоғи";
ШЙТ "359" - "Жума АББ - Б.Кумаков - Темир йўли қишлоғи";
ШЙТ "383" - "Шайман - Ғазира - Ғўбдин";
ШЙТ "388" - "Лоиш шаҳарчаси - Янгикўрғон қишлоғи";
ШЙТ "391" - "Иштихон - Халқобод - Гузон";
ШЙТ "392" - "Иштихон - Керайит";
ШЙТ "393" - "Иштихон - Пайшанба";
ШЙТ "395" - "Иштихон - Каттақўрғон";
ШЙТ "401" - "Ургут АББ - Мўминобод";
ШЙТ "406" - "Жума АББ - Мевали - Илм қишлоғи";
ШЙТ "411" - "Самарқанд АББ - Челак - Пайарик АББ";
ШЙТ "412" - "Лоиш шаҳарчаси - Собиқ Бобур номли ш/х.";
ШЙТ "413" - "Ургут АББ - Қўзибек маҳалласи";
ШЙТ "415" - "Ургут - Испанза қишлоғи";
ШЙТ "470" - "Ҳазора АББ - Чархин қўрғони";
ШЙТ "471" - "Жартепа - Чубот";
ШЙТ "472" - "Жартепа - Ватак";
ШЙТ "473" - "Жартепа - Раҳматобод маҳалласи";
ШЙТ "474" - "Жартепа - Фиждудвон маҳалласи".
Шаҳарлараро - вилоят ички автобус йўналишлари:
ВХ "509" - "Каттақўрғон АББ - Қизил қуёш - Нуробод";

ВХ "514" - "Каттақўрғон АББ - Тим қишлоғи";
ВХ "516" - "Ҳазора АББ - Ағрон қишлоғи";
ВХ "545" - "Каттақўрғон АББ - Жарқудуқ - Нуробод";
ВХ "547" - "Самарқанд АББ - Зармитан";
ВХ "548" - "Қовунчи - Самарқанд АББ";
ВХ "551" - "Ҳасан бобо - Самарқанд АББ".
Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобида турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган, мол-мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишлари йўл қўйилмайди. Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдирганда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни кўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлар бўйича тўла ва мукамал ахборот тақдим этишга мажбур. Даввогар тақдим этаётган тендер таклифлари у томондан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер қолиби билан шартнома камида 1

йил муддатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин. Тендер ташкилотчиси - шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро - вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси. Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 4014108604262773422967279 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) 1 та пакет учун 50 000 (эллик минг) сўм, 2 та пакет учун 75 000 (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакети учун 25 000 (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2020 йил 20 февраль куни соат 18:00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, у томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди. Тендер таклифлари 2020 йил 24 февраль соат 18:00 гача қабул қилинади. Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 69-уй. Самарқанд вилоят транспорт бошқармаси биноси. Мурожат учун телефонлар: 66-233-35-83, 66-231-10-55, 71-202-05-00 (ички 231).

Автомобиль транспортида юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга МУРОЖААТНОМА

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда автотранспорт воситалари билан тижорат асосида қонуний равишда юк ташиш фаолиятини амалга ошириш учун жисмоний шахс қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
1. Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан, давлат хизматлари марказлари орқали яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш;
2. Вазирлар Маҳкамасининг 30.07.2019 йилдаги 636-сон қарорига асосан, давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси ягона

интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали тегишли юкларни автомобиль транспортида ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш;
3. Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши учун давлат солиқ органларидан рўйхатдан ўтиш.
Эслатма: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 165-моддасига асосан лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензия ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш маъмурий жазо чораси қўлланилганда кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Тегишли моддаларга асосан ноқонуний фаолият учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлигини инобатда олишнинг бу тадбиркорлик фаолиятини қонуний амалга оширишингиз тавсия этилади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА Самарқанд шаҳридаги «JAVONIR» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 202150915) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «JAVONIR» оилавий корхонасига ўзгартиради. «JAVONIR» оилавий корхонаси «JAVONIR» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.
МАНЗИЛ: Самарқанд тумани Гублоб қўрғони.
Пайарик туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Маманов Даминга (2007 йил 14 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайарик туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Пайарик тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 августдаги "Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни

баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида"ги ПҚ-4419-сонли қарорига асосан 2020 йил 1 январдан Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси тугатилганлигини маълум қиламиз. Барча манфаатдор тадбиркорлик субъектларидан ташкилот билан ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишларини сўраймиз.
Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-А уй. Электрон почта: samcert@mail.ru
Телефон: 66-222-78-32, 222-09-07, 221-15-96.
Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Салиева Хадичага (2012 йил 3 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Жомбой тумани Сарой кўчаси.
Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Хакбердиев Файзуллога (2017 йил 29 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Жомбой тумани Сарой кўчаси.
Самарқанд шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида марҳум Мамадалиев

Мирзохасан Акбаровичга (2018 йил 17 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.
Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Шукуров Кубайга (2017 йил 15 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Жомбой тумани Сарой кўчаси.
Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Хакбердиев Файзуллога (2017 йил 29 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Жомбой тумани Сарой кўчаси.
Каттақўрғон туман 2-сон давлат но-

тариал идорасида марҳум Сапаров Усман Тошпулатовичга (2015 йил 26 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Каттақўрғон тумани Кадан қўрғони, Алишер Навоий кўчаси.
Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Абдираимова Шахрига (1999 йил 12 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.
Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Рашидов Очилга (2012 йил 15 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.
Каттақўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Раҳмонов Бекпулат Каҳхаровичга (2018 йил 27 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Каттақўрғон тумани Кадан қўрғони, Алишер Навоий кўчаси.
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Иштихон туман Баҳрин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2017 йилда Худойбердиев Жалолиддин Акбар ўғли номига берилган рўйхат рақами 10535, К № 4699881 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Булунғур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Маматова (Хозирда Мусурманова) Зулхумор Авалибоевна номига берилган U № 0566046 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон шаҳридаги 5-ўрта мактабдан 1995 йилда Холов Улуғбек Зойирович номига берилган АО № 115385 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ
«Зарафшон» газетасининг 2020 йил 23 январь 09-сон 4-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Паст Даргом туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Набиев Ёдгор Хошимович номига берилган O'R-Z № 0775769 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Гувоҳнома топилганлиги сабабли ушбу эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.
ТОПГАНГА МУКОФОТ!
Давурова Умида Мухидинованинг меҳнат дафтарчаси Тойлоқ тумани худудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.
Телефон: +99893-996-79-08.

TA'LIM

MENTOR KIM,

kuzatuv kamerasi uchun pul yig'ish kerakmi?

Savol: O'g'limning maktabida kuzatuv kameralari o'rnatilayotgan ekan. Maktab ma'muriyati kuzatuv kameralari uchun o'tanalardan pul yig'yapti. Aytinch, bu qonunga qanchalik mos, kuzatuv kamerasi uchun mablag' qaerdan ajratilishi kerak?

Savol: Endi xalq ta'limi tizimida metodist lavozimi o'rnida mentor lavozimi joriy etilar ekan. Buning afzalligi nimadan iborat?

N.Rajabova, Samarqand shahri.
Javob: Maktablarda kuzatuv kameralari uchun o'tanalardan pul yig'ish noqonuniy. Agar Samarqand shahrida biror xalq ta'limi muassasasi o'ta-onalardan pul yig'ayotgan bo'lsa, bu haqda shahar xalq ta'limi bo'limiga murojaat qilishlarini so'rayman. Biz bunga qarshi chora ko'ramiz, albatta.

O.Zaripova, Jomboy tumani.
Javob: Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, Toshkent shahar xalq ta'limi bosh boshqarmasi va viloyatlar xalq ta'limi boshqarmalari, shuningdek, tuman (shahar) xalq ta'limi bo'limlaridagi umumta'lim fanlari bo'yicha "metodist" lavozimi o'rniga "mentor" lavozimi joriy etiladi. Metodistni mentorlikka almashtirish hozirgi zamon talabidan kelib chiqib, o'qituvchilar bilan ishlaydigan, ularga o'rnatilgan xodim nazarda

tutilyapti. Shu sababli mentorlikka oliy toifali o'qituvchilar jalb etiladi. Mentor lavozimining ish haqi oliy toifali o'qituvchilarning maoshidan yuqoriroq bo'ladi. Shu paytgacha metodistning ish haqi ancha kam edi. Shuning uchun ham oliy toifali o'qituvchilar bu lavozimda ishlashni xohlamasdi. Oliy toifali o'qituvchilarni mentorlikka jalb etish orqali ta'lim sifatini oshirish ko'zda tutilmoqda.

Savol: 2021 yil 1 yanvardan boshlab xalq ta'limi muassasalari rahbarlari uchun davriylik 3 yildan, o'qituvchilar uchun 5 yildan iborat majburiy kasbiy litsenziyalash tartibini bosqichma-bosqich joriy etish ko'zda tutilyapti. O'qituvchi har 5 yilda

malaka oshiradi, uni litsenziyalash nima uchun kerak?

D.Jabborov, Toyloq tumani.

Javob: Bu jarayon xorijiy davlatlar tajribasi asosida joriy etilyapti. Masalan, Turkiya davlatida har yili o'quv yili boshlanishidan oldin o'qituvchilar imtihon topshiradi. Imtihondan o'tolmagan o'qituvchi dars berishi mumkin emas. Bunday tartibda o'qituvchi doim o'z ustida ishlaydi.

Bizda malaka toifasi bo'lmagan o'qituvchi kasbiy litsenziya olganidan so'ng uning mehnatiga haq to'lash shartlari ikkinchi malaka toifasiga ega o'qituvchilarga tenglashtiriladi. Litsenziyalash tartibi bu o'qituvchilarning yuqoriroq maosh olishi uchun o'z ustida ishlashiga turkib bo'ladi. Natijada, maktablarda ta'lim sifati oshadi.

Savollarga Samarqand shahar xalq ta'limi bo'limi mudiri Nigora SADINOVA javob berdi.

O'qituvchilarning xabar berishicha...

Samarqand shahar 7-umumiy o'rta ta'lim maktabida qishki ta'til davri mazmunli, qiziqarli tashkil etildi. Ta'tilda to'garak mashg'ulotlari, sport tadbirlari o'tkazildi. O'quvchilar to'garak mashg'ulotlariga faol qatnashdi. Masalan, "Yosh biolog" to'garagida "U kim, bu nima?" viktorinasi uyushtirildi.

Bundan tashqari, o'quvchilar uchun shahrimizning ko'ram tarixiy obidalariga sayohatlar tashkil qilindi. Ayniqsa, Samarqand davlat universiteti biologiya fakultetiga qarashli zoomuzey va issiqxonaga bo'lgan sayohat o'quvchilarda katta taassurot qoldirdi.

Nilufar USMONOVA, maktab o'qituvchisi.

Yaqinda viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish hududiy markazida tahsil oldim. Ta'lim dargohida Saodat Yo'ldosheva, Laylo Mirzohidovlarning innovatsion texnologiyalar asosida o'tgan darslari biz tinglovchilarga birdek manzur bo'ldi.

Markazda mashg'ulotlardan tashqari seminar-trening, uchrashuv, mahorat darslari tashkil qilindi.

Hulkar BOBOQULOVA, Kattaqo'rg'on shahar 2-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.

Samarqand shahridagi 37-ixtisoslashgan davlat umumta'lim maktabida "Vatanparvarlik oyligi" tadbirlari doirasida boshlang'ich sinf o'quvchilari o'rtasida "Kichkina demang bizni" shiori ostida sport musobaqasi o'tkazildi.

G.QURBONOVA, jismoniy madaniyat fani o'qituvchisi.

Samarqand shahar 30-umumiy o'rta ta'lim maktabida fan oyligi doirasida "Eng chiroyli yozuv egasi", "Yosh kitobxon", "Nutq ravon o'quvchi" mavzusida tadbirlar o'tkazildi.

Nasiba MIRZAYOROVA, boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

Samarqand shahridagi 6-umumiy o'rta ta'lim maktabida mahalla, huquq-tartibot idoralari, tibbiyot muassasalari hamda ta'lim maskani vakillari sog'lom avlod tarbiyasi mavzusida davra suhbatlari uyushtirildi.

Unda maktabning yuqori sinf o'quvchi qizlariga tibbiy madaniyatga rioya etish, erta turmush qurishning salbiy oqibatlari tushuntirildi.

Mehrino ZAYNIEVA, maktabning xotin-qizlar qo'mitasi boshlang'ich tashkiloti raisi.

Ko'plab maktablarda chet tili o'qituvchilari yangi matn an'anaviy tarjima metodi orqali o'rgatadi. Bunday usul o'quvchilarni darsdan bezdiradi. O'qituvchi bir xillikdan qochib, har bir darsni yangicha usulda olib borsa, bolalar tilni yaxshi o'zlashtiradi.

Ko'pchilik o'quvchilar inglizcha so'zlar lug'atini yodlash uchun vaqtlarini behuda sarf qiladi. Ular uzun ro'yxatli so'zlarni o'rganishga urinishadi. Afsuski, tadqiqotlarning ko'rsatishicha, aynan shu usulda yodlangan lug'atning 80 foizi bir yildan kam muddat ichida unutladi. Hozirgi zamonaviy ingliz tili darslarini quvnoq musiqa va harakatlar yordamida tashkil qilish tavsiya etilmoqda.

Feruza ALLAMUROTOVA, Samarqand shahar 32-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.

Bugungi yoshlar kitob o'qimasa ham ijtimoiy tarmoqlarda faol ishtirok etyapti. Psixologlarning ta'kidlashicha, balog'at yoshidagi o'spirinlar kattalarga qaraganda ijtimoiy tarmoqlarga tez o'rganib qolib, erkin fikrlash qobiliyati susayib, real hayotdan uzilib qolishga ko'proq moyil bo'larkan.

Shunday ekan, har birimiz yoshlar tarbiyasiga bee'tibor bo'lmasdan, hushyorlikni yana bir karra oshirishimiz kerak.

Aziza MIRBABAEVA, Toyloq tumani 4-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.

Boshlang'ich ta'limda zamonaviy darslar

Darsni turli zamonaviy usullar bilan boyitish o'quvchilarning o'zlashtirish darajasini oshiradi. Buning uchun o'qituvchi o'quvchilarning ta'lim jarayonida faolligini rag'batlantirib turishi, darsda interfaol usullarni qo'llashi maqsadga muvofiq.

Zamonaviy usullardan foydalanish: sinf muhitini o'zgartiradi, mavzu qanday o'rganilishi kerakligini belgilab beradi, har bir o'quvchini faollashtiradi. Bugungi kunda o'qituvchi o'qitish uchun faqat zaruriy axborotlariga ega bo'lishi va o'quvchini bevosita mustaqil bilim olishga o'rgatmoqchi. Bu jarayonda o'qituvchining pedagogik mahorati, uning chuqur bilimi, odob-axloq muhim rol o'ynaydi. Hozirgi kunda zamonaviy usullardan foydalanib dars berishda o'qituvchi mohirlikdan ijodkorlikka intilishi va bu bilan ta'lim sohasi rivojiga hissa qo'shmoqchi talab etiladi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llashda noan'anaviy dars usullaridan foydalanish orqali iqtidorli o'quvchilarni aniqlash, bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarda o'z kuchiga ishonch hosil qilish uchun imkon yaratish, sinfdagi o'quvchilar o'rtasida do'stlik, o'zaro hamkorlik aloqalarini shakllantirishga erishish nazarda tutiladi.

Tajriba-sinov natijalari shuni ko'rsatadiki, agar darslar tushuntirish orqali olib borilsa, o'zlashtirish 10 foizni, ko'rsatishlar orqali tashkil etilsa 50 foizni, ta'lim jarayoni o'quvchilarning shaxsiy ishtiroki faolligida kechsa, o'zlashtirish sifati va samaradorligi 90 foizni tashkil etadi.

Adolat JABBOROVA, Toyloq tumani 31-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.

Sahifa viloyat xalq ta'limi boshqarmasi bilan hamkorlikda tayyorlandi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-noyabrda "Zamonaviy maktab"larni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qaroriga ko'ra, 2020-yilda viloyatimizdagi 16 ta umumiy o'rta ta'lim maktabida rekonstruksiya, 5 tasida mukammal ta'mirlash, 2021-yilda 31 ta, 2022-yilda esa 30 ta, jami 82 ta umumiy o'rta ta'lim maktabida rekonstruksiya hamda mukammal ta'mirlash ishlari amalga oshirildi.

Blits-intervyu

Gazeta o'qimagan muallim zamonadan bir qadam ortda qoladimi?

1. Sizingcha, o'qituvchiga qancha maosh yetadi?
2. O'quvchini tarbiyalashda qanday usuldan foydalanasiz?
3. Siz uchun gazeta hayotingizda qanday ahamiyatga ega? Qaysi gazeta va jurnalga obuna bo'ldingiz?

Yulduz ERNAZAROVA, Kattaqo'rg'on tumani 9-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi:

Hozirgi kunda 3 million so'm maosh olaman. Nolisam, adolatdan emas, ish haqim o'zimga yetadi.

O'quvchini tarbiyalashning eng samarali usuli muloqotdir. O'qituvchi o'quvchi bilan qancha ko'p muloqot qilsa, uning ichki olamini yaxshi biladi va shunga qarab muomalada bo'ladi. Masalan, notinch o'ila farzandlari boshqa bolalarga nisbatan quloqsiz, jizzaki bo'ladi. Ular bilan yaxshi muomalada bo'lish lozim. Aks holda u sizga quloq solmaydi. Bolani urib tarbiyalab bo'lmaydi, hamma narsani yotig'i bilan tushuntirish maqsadga muvofiq.

Bu yil "Ma'rifat", "Zarafshon" gazetalariga hamda "Matematika va informatika" jurnaliga obuna bo'ldim.

Nilufar KUBAEVA, Ishtixon tumani 94-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi:

O'qituvchining maoshi miqdori yomon emas, toifaga ega o'qituvchilar yaxshi maosh o'layapti. Bugungi inflyatsiya jarayonini hisobga oladigan bo'lsak, o'qituvchining ish haqi yana oshirilishi kerak.

Maktab ta'limida tarbiyaning samarasi tarbiyaviy vositalarning qanchalik o'z o'rnida qo'llanilishiga bog'liq. Men o'ta-onalar bilan hamkorlikda ishlayman, bola bilan do'stona aloqada bo'laman, uni tinglayman. Bolani joyi kelganda ruhlantiraman. Jazolamayman, balki yomon ishining natijasini izohlab tushuntiraman.

Boshqa kasb egalari bilmadimu, ammo o'qituvchining mutolaa qilishdan to'xtashga haqqi yo'q. "Ma'rifat", "O'ila va jamiyat" gazetalariga obuna bo'ldim.

Nazokat HOTAMOVA, Samarqand shahri 49-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi:

O'qituvchilarning ish haqi oshgani soha xodimlarining o'z kasbini yanada sevishga asos bo'ldi, desam mubolag'a bo'lmaydi. 3 millondan ortiq maosh olaman. Shuning uchun uni mehnatiga yarasha moddiy rag'batlantirib borish kerak. Aks holda fidoyi o'qituvchi boshqalar singari shunchaki dars o'tishni istab qoladi.

Besh qo'l barobar bo'lmagan kabi sinfdagi bolalar ham har xil fe'l-atvorga ega. Avvalo, ularning psixologik jihatlari o'rganib chiqaman va shunga yarasha tarbiyalash usullaridan foydalanaman. Masalan, tortinchoq, darsda faol bo'lmagan o'quvchining o'lasida nimadir muammosi bo'ladi yoki uni o'ta-onasi tinglamaydi. Bunday bolalar bilan ishlash biroz qiyinroq kechadi. Darsni o'zlashtirish uchun ular bilan alohida qo'shimcha dars o'tishga ham to'g'ri keladi.

Bu yil "Ma'rifat", "Yoshlar ovozi", "Hurriyat" gazetalariga obuna bo'ldim.

Xo'sh, hurmatli o'qituvchilar, siz bu savollarga qanday javob berardingiz...

Xurshida ERNAZAROVA yozib oldi.



Bitiruvchilar maktabga taklif etildi

Samarqand shahridagi Yoshlar markazida viloyat xalq ta'limi boshqarmasi boshlig'i S.Usmonov yosh o'qituvchi va oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilari bilan uchrashdi.

Uchrashuvda viloyatdagi ayrim maktablarda aniq, gumanitar va chet tili fanlari bo'yicha o'qituvchilar yetishmasligi, yosh muallimlarga yetarlicha dars soatlari ajratib berilishi

hamda yaxshi ish haqi to'lanishi aytiladi. Shuningdek, yoshlar o'rtasida urchiyotgan illatlar ham tilga olindi. Ba'zi o'qituvchilarning o'z ustida ishlamay qo'ygani, izlanishdan to'xtab qolgan tanqid qilindi.

Har doim sizlarni tinglashga, muammo va rejalaringiz bilan o'rtoqlashishga tayyorman, - dedi S.Usmonov. - Ayni paytda sizning nuqta nazarangiz, ilg'or fikrlaringiz xalq ta'limi tizimida e'tibor qarashimiz zarur bo'lgan masalalar, muammolarga yanada oydinlik kiritadi.

Yosh pedagoglar, tashabbuskor o'quvchi-yoshlar ta'lim muassasalaridagi to'garaklar faoliyatini yaxshilash, iqtidorli yoshlarga imkoniyat va imtiyozlarni kengaytirish bo'yicha takliflar bildirildi. O'quvchilar umumiy o'rta ta'lim maktablarida joriy etilayotgan variativ (o'zgaruvchan) o'quv reja, PISA xalqaro tadqiqotlari haqidagi savollarga aniq javob olishdi. Ular tomonidan bildirilgan yigirmadan ziyod taklif va murojaatlar doirasida chora-tadbirlar belgilandi.

Abduhoshim ZIYODOV.



Viloyatimizda 30 ta bolalar musiqa va san'at maktablari faoliyat yuritmoqda. Ularda tahsil olayotgan 8367 nafar o'quvchi an'anaviy xonandalik, baxshichilik, xalq cholg'usi, damli va zarbli cholg'ular, fortepiano, torli cholg'ular, xoreografiya yo'nalishlarida o'z mahoratlarini oshirmoqda. Bugun xalqaro tanlovlarda ular erishgan yutuqlar quvonarli.

Musiqa maktabimizda tahsil olayotgan o'quvchilarning barchasi san'atsevar, o'z ustida ishlab yangiliklar yaratuvchi iqtidorli yoshlardir, - deydi Kattaqo'rg'on shahridagi 2-son bolalar musiqa va san'at maktabi o'qituvchisi Ruxsatoy Rashidova. - O'tgan yili Toshkent shahrida o'tkazilgan "Roza Vostoka" nomli xalqaro tanlovda maktabimizning "Nafis" jamoasi g'oliblar qatoridan joy olib, 1-darajali diplom bilan taqdirlandi. Sankt-Peterburg shahrida o'tkazilgan "Zoloto oseni" xalqaro tanlovida esa birinchi o'ringa kiritdi. Tumanimizda o'tkaziladigan barcha tadbirlarda ham maktabimizning yosh iste'dodlari o'z san'atini namoyish etib kelmoqda.

Suratlarda: Bolalar musiqa va san'at maktabidan lavhalar aks ettirilgan.

Tohir NORQULOV olgan suratlar.

Tilni tez o'rganish uchun ko'proq muloqot qilish kerak. Hozirgi kunda maktablarda rus tili darslari haftasiga 2 soat qo'yilgan.

Tilni tez o'rganish usuli

Darslar kamligi sabab men maktabda o'quvchilarga haftasiga ikki marta qo'shimcha dars o'taman. Qo'shimcha darslarda kichik hikoyalari, diktantlar ustida ishlayman. Darslarni, iloji boricha, qiziqarli o'tishga harakat qilaman.

Noyabr oyi maktablarda rus tili fan oyligi bo'ldi. Fan oyligi doirasida maktabda o'quvchilar o'rtasida quvnoqlar va zukkolar tadbiri uyushtirildi. Unda o'quvchilar tilni qanchalik

o'zlashtirganligini amalda namoyish qildi. Aslida inson har kuni beshta yangi so'z yodlashi kerak. Bu miya faoliyatini yaxshilaydi, ya'ni fikrlash qobiliyatini o'stiradi. Shuning uchun ham ko'p tilni biladigan, dunyo ko'rgan kishilar bilan suhbatlashsangiz zerikmaysiz. Ular hayotga boshqacha ko'z bilan qaraydi.

Nigora JO'RAEVA, Past Darg'om tumani 56-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.



© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳоқимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бoshqarmasida 2012 йил 30 мартда 09-01 рақами билан рўйхатга олинган. №100. Индекс 438. 14 176 нускада чоп этилди. Бюроми 57

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Нощир люк" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ. Навбатчи: Г.МУМИНОВА. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сўтада нархи кўрсатишган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 667009